



# O'ZBEKISTON O'VOZI

## ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида иккита янги қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда маъқулланди. «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги мазкур қонунлар лойиҳалари ЎзХДП фракцияси ййгилишида ҳам муҳокама этилган эди.

## Давлат мулки оқилона бошқарилиши керак

ЎзХДП фракциясининг позицияси шундай

«Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси таҳлил қилинганда фракция аъзолари давлат мулкни самарали бошқариш, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий тизимни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар қандай мулк оқилона бошқарилган тақдирда ривожланади, фойда келтиради. Бу иқтисодийнинг азалии ва асосий мезони ҳисобланади. Айниқса, давлат мулкни бошқариш — анча мураккаб жараён. Бу масалада жуда эҳтиёткорона ва чуқур ёндашиш талаб этилади. Чунки давлат мулкнинг бошқарилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, минг-миглаб одамлар манфаати билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам барча ривожланган мамлакатларда давлат мулкни бошқаришга иқтисодий ёндашув давлат томонидан тартибга солиб ту-

ришнинг муҳим механизми сифатида қаралади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат мулкни бошқаришни тартибга солишга қаратилган етарли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида хусусий мулк институтини мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳудуднинг секторнинг улущини ошириш, давлат мулкни янада самарали бошқариш зарурати вужудга келган. Президентимиз илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси ана шу масалаларда ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлашни назарда тутди.

### Мастура САЙФИДДИНОВА,

ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бугунги кунда мамлакатимизда давлат мулки билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Ер, Солиқ, Уй-жой Кодекслари, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Аммо ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат мулкни бошқаришнинг барча жиҳатлари тўлиқ қамраб олинмаган. Баъзи масалалар бўйича амалдаги қонун ҳужжатларида ҳар хил ёндашув мавжуд. Фракциямиз «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу борадаги камчиликларни бартараф этишда, соҳани замонавий мезонларга кўра ривожлантириш кафолатини, қолаверса, давлат мол-мулкни мамлакатда ҳам, ундан ташқарида ҳам самарали бошқариш асосларини мустаҳкамлашда муҳим

аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди.

Унинг қабул қилиниши давлат мулки объектларини бошқаришнинг ягона тизимини яратишга хизмат қилади. Бу масалалар ЎзХДП дастурида белгиланган вазибалар билан узвий боғлиқдир. Жумладан, партиямиз Дастурида мулк муносабатларининг янги тизимини шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратиш масаласи алоҳида эътиборга олинган. Шунинг учун биз ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаймиз. Чунки давлат мулкнинг самарали бошқарилиши ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг кафолатини янада мустаҳкамлайди.

Шу кунги депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқишди.

### Алишер СОДИҚОВ,

ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасини атофлича муҳокамадан ўтказди. Кейинги йилларда бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрларга мувофиқ, бюрократик говларни бартараф этиш, лицензия ва рўқсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, яъни одамлар ўз ишини очилиши, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун қўлай муҳит яратиш бўйича муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Бу қўллаб барқарор иш ўринлари пайдо бўлишига, одамларнинг даромадлари кўпайишига, турмуш фаровонлиги кўтарилушига асос бўлапти. Фракциямиз бунини алоҳида эътироф этади. Шу билан бирга, тадбиркорлик фа-

олияти соҳасида рўқсат бериш тизимининг асосий тамойиллари ва қоидаларини, бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни янада такомиллаштириш эҳтиёжи ҳам бор. Қонун лойиҳаси бу борадаги масалалар ечимига хизмат қилади. Шунга асосланиб, фракциямиз қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайди.

Мазкур қонунлар лойиҳалари бўйича фракция муносабатини шакллантириш мақсадида тузилган ишчи гуруҳи фаолиятини давом эттирмоқда. Қонунлар лойиҳалари юзасидан фракция тақлифлари иккинчи ўқишга тайёрлаш учун масъул кўмиталарга тақдим этилади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТАШАБУСИ БИЛАН

# Ватан олдидаги масъулият

### бизни юксак марраларга чорлайди



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда Сирдарё вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган форум ёшлар қалбида ана шундай акс-садо берди. Гулистон шаҳри. Вилоят муסיқали-драма театрида Сирдарёнинг турли ҳудудларидан келган истеъдодли, ижодкор, сиёсатчи ёшлар жам бўлган. Саҳна ёшларни бирдамлик, эзгулик, фаолликка чақирувчи ғоялар акс этган широрлар билан безатилган. Мамлакат, халқ юкини елкасига олишга тайёр турган бу ёшлар — ўзаро фикрлашиш, келажақдаги режаларни аниқ белгилаб олиш учун ййгилган...

▶ Давоми 2-бетда.

«Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазибаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур».

## ЎзХДП БОШ МАҚСАДИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

### Меҳнат ярмаркасида

#### 85 нафар фуқаро иш билан таъминланди

Навоий шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Ёшлар маркази»да бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда шаҳардаги 85 та корхона ва ташкилот 215 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу кунги 85 нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўланма олди. Уларнинг 42 фоизи хотин-қизлар бўлса, 20 нафари коллеж битирувчисидир.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш ва шу орқали улар турмуш фаровонлигига эришиш партиямиз олдида турган муҳим вазибалардан,

— дейди ЎзХДП Навоий шаҳар Кенгаши раиси Лола Собирова. — Бундай меҳнат ярмаркаларини ўтказиш бизнинг электоратимиз вакиллари бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Йил давомида мана шундай «Меҳнат ярмаркалари»ни биргаликда ўтказиш режалаштирилган.

— Мен техника иқтисодиёт коллежини тугатганман, — дейди Насиба Қодирова. — Бугунги меҳнат ярмаркасида иштирок этиб, шахримиздаги «Бахт текстиль» корхонасига оператор вазифасига ишга қабул қилидим. Бундан жуда хурсандман.

Илҳом САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### Бандлик

### Ишлаб чиқариш кенгайди

Президентимизнинг «Қашқадарё вилоятининг 2013-2016 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қароридан 13 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш белгилаб берилган. Шу боис воҳода юзлаб янги корхоналар вужудга келаяпти, мавжудлари қайта реконструкция қилиниб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилмоқда.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қарши шаҳридаги «Cotton Road» тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлайдиган қўшма корхона тивув-

чилик цехига ўтган йилда 104 қўшимча замонавий тивув машинаси келтирилди ва 65 янги иш ўрни яратилди. Иш билан банд бўлганларнинг аксарияти коллеж битирувчилари ҳисобланади. Корхона фаолиятининг кенгайтирилиши ва янги иш ўринлари очилиши маҳсулот ҳажми орттиришга хизмат қилмоқда. «Cotton Road» маҳсулотлари нафақат ички бозорда, қолаверса, ўнлаб хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинапти.

Юнус УЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

▶ Давоми 2-бетда.

## «Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

### Сайловчилар билан учрашувлардан сўннг:

### натижалар, таҳлил ва хулосалар



www.uzbekistonovozi.uz

## Нуқтаи назар

— Бугунги ўзгартиш ва янгиланишлар олдимизга янада катта талаблар қўймоқда. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш, фаоллигини ошириши ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Партиянинг жамиятдаги таъсир кучини ошириш учун, энг аввало, бошланғич ташкилотлар фаолиятини талаб даражасига кўтариш керак, деб ўйлайман. Чунки улар бевосита аҳоли орасида фаолият юритади, одамларнинг кундалик ҳаёти, орзу-ниятлари, ташвишларидан яхши хабардор бўлади.

Бошланғич ташкилот қандай ишлаши эса унинг етакчисига боғлиқ. Айтайлик, бошланғич партия ташкилоти етакчиси сайланди. Туман, шаҳар партия кенгаши ва депутатлар унинг ишини куза-

тиб бориши, таҳлил этиши ва унга ўз фаолиятини самарали ташкил этиши учун астойдил ёрдам бериши лозим. Уларга керакли услубий қўлланмалар, партия фаолиятидаги янгиликларни ўз вақтида етказиб туриш зарур.

Шунингдек, етакчилар билими, иш тажрибасини ошириб боришга хизмат қиладиган тадбирларни изчил ўтказиб бориш лозим.

Партия етакчиси ташаббускор, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол бўлиши керак. Замон ўзгариб, сиёсий партияларга талаб кучайиб бораётган ҳозирги шароитда улар ўз сўзи ва нуқтаи назарига эга бўлиши талаб этилмоқда. Бунини ҳар бир бошланғич ташкилот етакчиси чуқур англаб этиши керак.

### Санталат МУХИДДИНОВА,

ЎзХДП Учтепа туман кенгаши раиси:



ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Зангиота туманида электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган сиёсий-ўқув ташкил этилди.

Унда билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН

# Ватан олдидаги масъулият

## бизни юксак марраларга чорлайди

Президентимиз Наврўз байрамга бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон ёшларига қарата шундай деган эди: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни, аввало, сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоклиги ва илмуфан чўққиларини ўзлаштиришингизга, етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканлигимизга баҳо беради. Шунинг учун ҳам биз ўзлгини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англа-

ган, ўз олдига биланд марралар кўйиб, дунёдаги барчани тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз...

Ёшлар форумида ана шу юксак ишончга муносиб бўлиш, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қарор мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, партия Дастури ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти низомида белгиланган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этиш хусусида сўз борди.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.



**Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши ташкилий кадрлар бўлими мудири Зокиржон Холматов сўзга чиқиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштироки тобора кенгайиб бораётгани, бу жараёнларда партиямиз сафидаги йигит-қизларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида эътироф этди.**

— Бугунги кунда ЎзХДП аъзоси бўлган ёшлар фан, маданият, спорт соҳаларида катта ютуқларга эришмоқда, — деди у. — Партиямиз гоёлари ва дастурий мақсадларини амалга оширишда ҳам ёшлар фаол иштирок этмоқда. Бу борада, айниқса, «Истиқбол» ёшлар қаноти Сирдарё вилоят бўлими катта

тажриба тўплаган. Шу боис ёшлар форумини биринчи бўлиб айнан Сирдарёда ўтказяймиз.

Бугунги тадбир партиямиз сафидаги ёшлар, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоларини янада жипслаштириш, олдимизда турган катта-катта мақсадларимизни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

Сўзга чиққанлар, шунингдек, ёшларни турли ёт гоёлардан асраш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида ўз ҳиссасини қўшаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар иқтидор ва истеъдодларини тўла намойён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, бу борада ёшлар қаноти

олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди.

Форум доирасида ўқишда, ишда, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ ёшлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди. ЎзХДПга қабул қилинган ёшларга эса тантанали равишда аъзоллик гувоҳномалари топширилди.



**Рустам ЭРГАШЕВ, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими фаоли:**

— Кун сайин сафимиз ташаббускор ёшлар билан кенгаймоқда. Шунга яраша биз ҳам ишимизни такомиллаштириб боришга ҳаракат қиляемиз. Айни пайтда тўрт минг нафарга яқин йигит-қиз «Истиқбол» ёшлар қаноти Сирдарё вилоят бўлими аъзоси ҳисобланади. Ҳар бир туман кенгашида «Ёш сиёсатчилар» клуби фаолияти йўлга қўйилган. Унга аъзо бўлиш истагидаги ёшлар кўпчилигини ташкил этади.

Ватанимиз, Мустақиллигимиз, Халқимиз олдидаги масъулият тўғриси бизни янада фаолроқ бўлишга ундайди. Дунёда юз бераётган

воқеалардан огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга ўргатади. Бугунги форум мана шу йўлда ташланган жуда муҳим қадам бўлди.

**Максуда ЖУРАКУЛОВА, журналист:**

— Биз билим, куч ва салоҳият жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмасмиз. Бунинг тенгдошларимиз эришаётган ютуқлар ҳам кўрсатиб турибди. Ун етти ёшимдан бери мақола ҳамда ижодий ишларим билан вақтли матбуотда қатнашиб келяман. Энди мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқчиман. Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим.



**Шахло ХУСАНОВА, Гулистон шаҳар иккинчи академик лицей ўқувчиси:**

— Бугунги форум биз ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, ёруғ келажакка ишонч ҳиссини янада кучайтирди. Биз ўз билим ва салоҳиятимизни она-Ватанимиз, халқимиз истиқболи йўлида сарфлашга тайёрмиз. Бунга буюк аждодларимизнинг маънавий жасорати ҳам, бугунги шарт-шароитлар ҳам, тенгдошларимизнинг интилишлари ҳам асос бўлади.

Ёшлар форумида ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, давлат стипендиантлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Тадбир якунида форум иштирокчиларининг вилоят ёшларига мурожаати қабул қилинди.

Уни «Истиқбол» ёшлар қаноти Сирдарё бўлими етакчиси Мурод Ҳайитов ўқиб эшиттирди.

**«Ватаним равнақиға ҳисса қўшишни хоҳлайман!» Бу сўзлар форум иштирокчиларининг асосий мақсади, шиорига айланди.**

**Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

## Сўз — пленум иштирокчиларига

Саида Жўраева,

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Марказий Кенгаш пленумида билдирилган танқидий-таҳлилий фикрлар, ишимизни тубдан кучайтириш юзасидан ўртага ташланган долзарб масалалар ҳамда қабул қилинган қарорлар кейинги фаолиятимизни янада самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Пленум натижаларидан шундай хулосага келамизки, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳаётга татбиқ қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатлари йўлидаги ишларни кучайтириш, жойлардаги ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этиш каби долзарб масалалар ечимида парламент ва депутатлик назорати институтлари имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишимиз талаб этилмоқда.

Хусусан, жорий йилда партиямизнинг Ҳаракат дастурига кўра, Когон, Ромитан, Вобкент туманларида аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни депутатлик назоратига олиш, Фижудов, Шофиркон, Қоровулбозор

туманларида маҳаллий инвестициялар дастурининг бажарилиши тўғрисидаги масалаларни халқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларига олиб чиқишимиз зарур. Шунингдек, Когон шаҳрида Иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилиши ҳолати ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масала ўрганилиши назарда тутилган.

Айниқса, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг устувор ижтимоий йўналишларини амалга оширишда фаол иштирок этиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Бунинг учун худудий дастурларнинг мазмун-моҳиятини изчил ўрганишимиз, уларнинг ижтимоий муҳим жиҳатлари амалда қай даражада бажарилаётганини назорат-таҳлил тартибида мониторинг қилиб боришимиз керак. Бундан ташқари, ўтган йиллардаги тажрибамиздан унумли фойдаланган ҳолда худудий дастурларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, бу борада уларга тегишли аниқлик ва қўшимча киритишга доир тақлифлар ишлаб чиқишимиз талаб этилади.



Олим РАВШАНОВ,

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Пленумда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, партия сиёсий позицияси ва дастурий мақсадларининг тарғиботига қаратилган ижтимоий-сиёсий тадбирлар аудиториясини сезиларли даражада кенгайтириш лозимлиги айтилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу йўналишда маҳаллий кенгашлар ва бошланғич ташкилотларнинг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш, партия ва унинг сиёсий позициясидан хабардор ёшлар сафини кўпайтириб боришимиз зарур.

Тарғибот ишида энг муҳими таъсир кўрсата олиш. Сўзимиз таъсирли бўлиши учун очик-ошқора суҳбатлар, савол-жавоблар услубидан фойдаланишимиз керак. Шунингдек, тарғибот ишларида ҳаётий мисоллар келти-

риш таъсирли бўлади.

Бу борада, айниқса, партиямизнинг ёш аъзоларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Шу боис 2014 йилдаги долзарб вазифаларимиздан бири — бу «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини юқори босқичга кўтаришдир. Чунки, айнан ёшларгина партиямиз кучига куч қўшади, янги-янги гоёлар, ташаббуслар билан чиқади. Мазкур масала биз учун стратегик аҳамият касб этишини инобатга олиб, барча партия ташкилотларида «Ёш сиёсатчилар» клуби ишини намунали ташкил этишни мақсад қилдик. Бунинг учун туман кенгашларидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари билан янги йўналишларда иш олиб бориш, ташаббускор, интилувчан йигит-қизларни рағбатлантиришни режалаштиряймиз.

► Давоми. Боши 1-бетда.

ЎзХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган соҳа қолмади. Партиямиз маҳаллий кенгашлари қошидаги ахборот-маърифат хоналари фаолиятини давр талабига мос равишда ташкил этишда ҳам ахборот технологиялари муҳим аҳамиятга эга.

— Бугун маъруза ўқиш ёки куруқ гап билан мақсадга эришиш қийин, — дейди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши бўлими мудири Зулфиқор Усмонов**. — Тарғибот ишларини янги босқичга олиб чиқишни эса даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ушбу жараёнда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Бугунги кунда вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларида

13 та ахборот-маърифат хонаси фаолият юритмоқда. Уларда турли йўналишдаги 1765 та адабиёт рўйхатга олинган. Айни пайтда ахборот-маърифат хоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, ҳуқуқшунослик ва ижтимоий-сиёсий йўналишдаги адабиётлар, илмий ҳамда даврий нашрлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

## Ахборот-маърифат хоналари

имкониятидан самарали фойдаланиш тарғибот таъсирчанлигини оширади

— Ахборот-маърифат хонасидаги газета ва журналлар, сиёсий адабиётлардан доим фойдаланаман, — дейди **ЎзХДП аъзоси Зафар Эсонов**. — Бу ерда партия аъзолари иштирокда ўтказиб келинаётган учрашув ҳамда давра суҳбатлари сиёсий ва ҳуқуқий билимларимизни оширишга хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, вилоят партия кенгашидаги ахборот-маърифат хонаси жорий йилнинг

ўтган даври мобайнида янги адабиёт ва материаллар билан янада бойиди. Бу ерда давлат бошқарувини кўппартиявийлик тамойили асосида янада демократлаштириш йўлидаги ислохотлар мазмун-моҳияти, улардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишлаб кўплаб тадбирлар ўтказилди. Сиёсий партиянинг жамиятдаги таъсир кучи, нуфузи аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий мада-

нияти, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки кучайишига боғлиқ. Маҳаллий партия кенгашларида ташкил этилган ахборот-маърифат хоналари эса айнан шу мақсадга хизмат қилади.

**Абдураззоқ МУРОДОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудири.**

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

# Жиззахда цемент заводи иш бошлади

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Президентимиз раҳнамолигида корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёдан сифатли ва рақобатбардoshi замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Жиззах вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Наврўз байрами нишонланаётган шу кунларда вилоятда яна бир хушхабар тарқалди. Қиймати 116 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ эвазига Зафаробод тумани ҳудудидаги Пистали тоғ бағрида Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибидagi портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Жиззах цемент» заводи ишга тушди.

2012 йил 6 июлда Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни таш-

кил этиш инвестицион лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ўтган йилнинг апрель ойида цемент заводини қуриш ишлари бошлаб юборилган эди. Қисқа муддатда замонавий асбоб-ускуналар келтирилди, қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилди. Бу борада «Элементқурилиш» шубба корхонаси, «Узэлектроаппарат» қўшма корхонаси ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси меҳнат аҳлининг муносиб ҳис-

саси борлигини айтиб ўтиш ўринли. Шунингдек, қурилиш ишларида Туркиянинг «Dal teknik makina ticaret ve sanayi a.s.» компанияси жамоаси ҳам иштирок этди.

Корхонадан 1,5 километр узоқликда бўлган Балиқли тоғ ва Кўтармо тоғ бағридан топилган оҳақтош захиралари завод учун 150 йилга этиши тахмин қилинмоқда. Портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқариш учун хомашё ҳамда компонентлар республикамизда мавжуд бўлиб, гипс — Бухородан, лёс — Жиззахдан, кварц куми — Навоийдан, каолин — Ангрендан, таркибида темир моддаси бўлган қўшимчалар — Олмалиқдан келтирилади.

Кувонарлиси, ушбу корхона республикамиздаги бешинчи цемент заводи бўлиши билан бирга, оқ цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхонадир. Бу корхонани бунёд этишдан асосий мақсад юртимизда бўладиган қурилишларни сифатли ва арзон хомашё билан таъ-



Левиз МАМАТҚУЛОВ олган суратлар.

минлаш, саноат салоҳиятини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашдан иборатдир.

— Тенгдошларим қатори мен ҳам ушбу энг корхонада ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим, — дейди энергия таъминоти бўлимининг оператори Жамшид Самиев. — Бундай йирик ва муҳим корхонада ишлаётганимдан ва юртимиз тараққийига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

Ҳозирда корхонанинг тўла кувват билан ишлаши учун 8 та 40 тонналик автосамосвал, 2 та 5 кубли экскаватор, 2 та «Дресста» юкловчи кон техникалари харид қилинди. Энг сўнгги русумдаги техник жиҳозлар ўрнатилди. 430 нафар мутахассис иш билан таъминланди. Корхона бир йилда 350 минг тонна оқ цемент ёки 760 минг тонна портландцемент ишлаб чиқаради. Оқ цементнинг 70 фоизидан ортиги экспортга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Келгусида корхонанинг иккинчи навбатини қуриш ва иш ўринларини кўпайтириш режаланмаётгани айтилади.

Корхонанинг очилиш маросимини ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Фулмон Ибрагимов, вилоят ҳокими Сайфуддин Исмаилов, Туркиянинг «Dal teknik makina ticaret ve sanayi a.s.» компанияси раҳбари Жаввад Дал, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Александр Фармоновлар сўзга чиқиб, корхона халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди. Шундан сўнг корхона қурилишида фаол меҳнат қилган бир гуруҳ қурувчиларга вилоят ҳокимлиги ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан совғалар тақдим этилди. Тадбир Наврўз шодиданаларига бағишланган куйқўшиқларга уланиб кетди.

**Иброҳим ЖОНУЗОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



## Гўшт, тухум ва пишлоқ никотин сингари хавфли



**Аслида бу маҳсулотлар озуқа таъминотининг ажралмас қисми ҳисобланади. Уларни истеъмол қилмаслик организмда витаминлар тақчиллигини юзага чиқариши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бирок...**

Жанубий Калифорния университетининг бир гуруҳ олимлари турли ёшдаги 6400 кишини 18 йил давомида кузатиб, шундай хулосага келдиларки, 50 ёшдан ошган гўшт, тухум ва пишлоқни кўп истеъмол қилиш организм учун худди никотин сингари ўта зарарли экан — улардаги оқсиллар саратон ўсимтасининг тез ўсиши ва тана ҳужайраларининг тез қаришини юзага келтирди. Саратон хасталигидан ўлиш даражасини эса 4 марта ошираркан. Шу боис 50 ёшдан ўтгач, мол ва кўй оқсиллари ўрнига балиқ, асымк ҳамда ловия оқсиллари билан озиқланган маъқул.

Аммо 65 ёшдан сўнг гормонлар даражасининг камайиши организмда яна гўшт маҳсулотлари оқсилга эҳтиёж куйайтиради. Негаки, турли минерал моддалар ва керакли витаминлар эҳтиёжи айнан гўшт маҳсулотлари орқали қондирилади.

## Организмнинг сувсизланиши буйракка зиён



**Урологик нуқта назардан организмда сув миқдорининг камайиши унинг ўрнини тезда тўлдириши талаб қилади. Акс ҳолда буйракда тош йиғилиши даражаси ортади.**

Уролог мутахассисларнинг айтишларича, агар организм жисмоний машғуллар пайтида терлаб кўп суюқлик йўқотса, пешобда концентрация даражаси ортади. Бу эса буйракда тош пайдо бўлишига замин яратади. Танада суюқликнинг камайганини пешобнинг сарғайишидан билса бўлади. Агар суюқлик меъёрида бўлса, пешоб оч сариқ рангда ёки тиниқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, газланган салқин ичимликлар ҳам буйракда тош пайдо бўлиш эҳтимолини оширади. Бригад аёллар госпитали шифокори Гари Кархан етакчилигида мутахассислар гуруҳи 8 йил давомида 194 минг 95 нафар мижознинг касаллик варақаларини ўрганиб чиққач, шундай хулосага келдиларки, газланган салқин ичимликлар истеъмолига ружу қўйиш буйрактош касалликларига чалинишни 23 фоизга ошириб юборади.

«The Daily Mail» нашри хабар беришича, қаҳва, чой, апельсин шарбати эса бундай хасталиқларга чалиниш эҳтимолини камайтиради.

## Қаҳванинг фойдаси бор шу билан бирга зарари ҳам



**Олимлар томонидан қаҳванинг фойдаси юзари жуда кўп бора ўрганилган ва бу борадаги ишлар яна давом эттиради.**

«Мир новостей» хафталиги хабар беришича, АҚШнинг Мичиган университети тадқиқотчиси Жон Греден яқинда ўз тадқиқотлари натижаларини эълон қилди. Унинг айтишича, қаҳвага ружу қўйиш руҳиятга салбий таъсир кўрсатади ва олим бунди «кофеинизм» оқибати, деб атади.

Маълумки, қаҳва таркибидagi кофеин руҳиятга кучли ва фаол таъсир кўрсатувчи модда ҳисобланади. Унинг молекулалари организмдаги ҳар қандай муҳофаза тўсиқларини енгиб ўтиб, атиги 20 дақиқада миёна етиб боради ва уйку «сигнал узатма»ларини қамал қилиб олади. Айнан шу механизм кишига тетиклик, тийраклик ва дадиллик бахш этади.

Аммо бунинг акс таъсирини ҳам унутмаслик лозим. Олим кузатувлари шундан далолат берадики, қаҳвани кўп истеъмол қилиш сурункали асаб касаллигини келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас.

Кўпчилик қаҳванинг кучини тўғри баҳолай олмайди: бир чой қошиқининг 16 дан бир қисмига тенг қаҳва меъёридаги энергияни ҳис этиш учун етарлидир. Чой қошиқининг чорак қисмига тенг қаҳва эса ёқимсиз хомашёларни «бахш» эта олади: юрак тез уради, танадаги безовталик эса оғир руҳий кайфиятни юзага чиқариши мумкин.

## Кун тартибида — қонунчиликка риоя этиш масаласи

### Миллий матбуот марказида

**Давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири саналади.**

Адлия вазирлиги томонидан «Давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши масалалари» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш йўналишида амалга оширилган ишлар ва гадаги вазифалар муҳокама этилди.

Авалло, таъкидлаш лозимки, вазирлик тизимида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бoш бошқармасининг ташкил этилиши давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати принципини амалда янада самарали таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлиmlари фаоли-

ятида тизимли амалиёт шаклланиб, асосий эътибор, аввало, қайси соҳада қонунчиликка риоя этилиши нотўғри, турлича талқин қилиш ва қўллаш каби ҳолатлар учраётган бўлса, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олишга қаратилаяпти.

Тадбирда Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан 2012–2013 йилларда ўтказилган ўрганиш натижалари тўғрисида маълумот берилди. Ўтган йилларда 24 та давлат органлари тизимида қонунчиликка риоя этилиши ўрганилиб, қонун бузилиши ҳолатлари, муаммо ва камчиликлар аниқланган. Натижаси бўйича 5 қонун ҳужжатларига эид равишда қабул қилинган идоравий ҳужжатлар, 1517 ноқонуний қарорлар бекор қилиниб, 1328 нафар мансабдор шахс интизомий,

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарилди.

**Равшан ШОДИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

249 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. 46 нафар мансабдор шахс лавозимидан озод этилган, 6 ҳолат юзасидан прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари кўзга тутилган.

Кунун бузилиши ҳолатларининг келгусида тақорланишининг олдини олиш мақсадида идоравий ва идораларо чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилган. Шунингдек, айрим давлат идораларининг қонун ҳужжатлари ижросини ташкил этиш ва таъминлаш фаолияти ўрганилиб, юридик хизматнинг роли ҳамда масъулиятини тубдан ошириш мақсадида «Юридик хизмат фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва ҳозирда тақомилига етказилмоқда. Лойиҳада қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга юридик хизмат амалга ошириши лозим бўлган вазифа ва функциялар, уларнинг механизми, ходимларга бўлган маблақ талаблари батафсил ёритилган.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарилди.

**Равшан ШОДИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Эълон Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига! Андихон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарур дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш бўйича тендер (конкурс) савдолари эълон қилади.**

Тендер (конкурс)да талабдорларга қўйилган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш таъсирдорлиги асосида бўлган фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Андихон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси

**Манзил:** Андихон шаҳар, Амир Умархон кўчаси, 19-уй. e-mail: info@ayhsb.uz

Тел/факс: (8-374) 228-42-84

Шҳв: 100021860034017072130054001

СТПР: 200236981

МДО: 00014

Республика Марказий банки ХҚКМ

## ХАЛҚ БАНКИ — ўзимизнинг банк дейишмоқда мижозлар

**Мамлакатимизда озиқ-овқат ва нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириб, ички бозорни тўлдиришда банкларнинг молиявий қўмаги катта бўлмоқда. Буни бошланғич сармоясини шакллантириб, ўз бизнесини йўлга қўйган юртдошларимизнинг сўзлари ҳам тасдиқлайди.**

**Абдулазиз ЛАТИПОВ,**  
«Шлакаблукбрусчат» хусусий корхонаси раҳбари (Навоий вилояти):

— Халқ банкнинг Навоий вилоят филиали ходимларига бизнес-лоийхамни тақдим этдим. Улар мени қўлаб-қувватлашди. 220 миллион сўмлик банк кредити эвазига қурилиш моллари ишлаб чиқарадиган линия олиб келиб, 8 турдаги сифатли, экспорттоб брусчатка ва шлакаблуклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айни кунда корхонамизда қурилиш бўйича мутахассисликка эга ёшлардан 10 нафари ишламоқда.

**Ихтиёр УРАЗБОВЕВ,**  
якка тадбиркор (Хоразм вилояти):

— Коллежни битиргач, Халқ банкнинг Гурлан туман филиалидан кредит олиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех очдим. Бугунги кунда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидоригир, даромадим ҳам шунга яраша кўпайиб бормоқда. Келгусида олаётган фойдам ва банк қўмағида ишлаб чиқаришнинг бошқа турларини ҳам йўлга қўймоқчиман.

**Иззатилло АБДУАЗИМОВ,**  
«Хонобод Олтин водий текстиль» МЧЖ раҳбари (Андихон вилояти):

— Мен Халқ банкнинг 490 миллион сўм кредит маблағи ҳисобидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этдим. Ҳозирда бу ерда 50 нафар йигит-қиз иш билан банд. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Халқ банки билан ҳамкорликда маҳсулотлар турини янада кўпайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайтирилиши режалаштириб қўйганмиз.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,**  
«Хонқа Биллур Салт» хусусий корхонаси раҳбари (Хоразм вилояти):

— Тижорат банкларидан олинган кредит эвазига тадбиркорлигини йўлга қўйиб, оиласи ва жамиятга фойда келтираётган аёлларни қуриб, тўғриси, ҳавас қилардим. Ўз ишимни бошлаш учун бизнес-лоийха тузишда Халқ банки ходимларидан маслаҳат сўрадим. Бизнес-лоийхам асосида Халқ банкнинг Хонқа туман филиали тез фурсатда кредит ажратди. Бу маблағдан мақсадли фойдаланиб, биринчи навбатда, хориздан пакет ва пакет маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини олиб келиб, ўрнатдим. Натижада кичик бир корхона ташкил этилди. Ҳозирда бир кунда 86 мингта, яъни 13 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараёман. 15 нафар ёш йигит-қиз бевосита иш билан банд. Фаолиятини жорий йилда янада кенгайтирмоқчиман.



**Дилфуза АБДУЛЛАЕВА,**  
якка тадбиркор (Навоий вилояти):

— Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бизнес-режам билан Халқ банкнинг Кармана туман филиалига мурожаат қилдим. 40 миллион сўм кредит ажратишди. Ҳозирда бозорларимизни сифатли ширинликлар билан тўлдириш билан бирга, кутганимдан ортиқ даромад ҳам олаёман. Уч нафар қўлигул қандолатчи ёш қизларимиз иш билан таъминланди. Келгусида оиламга ва халқимизга фойдаси тегадиган яна бир ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман.

**Шукурхон ЭГАМБЕРДИЕВА,**  
«Наргиза савдо» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари (Андихон вилояти):

— Ўзим дастлаб фирма очиб, савдо-сотик билан шуғулланар эдим. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимда эса Халқ банкнинг Балиқчи туман филиали қўмақдош бўлди. Банкдан олган 100 миллион сўм маблағдан самарали ва мақсадли фойдаланганим эвазига ёзги-қишки мавсум учун турли хилдаги пайпоқ тўқиш цехини йўлга қўйдим. Маҳалламиздаги 10 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Маҳсулотларимизни экспорт қилиш учун хориж компаниялари билан шартномалар имзоладик. Молиявий ҳамкоримиз Халқ банки хизматларидан мамнунмиз.

Халқ банки жамоасининг мақсади аҳоли ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш орқали халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдан иборат. Бу борадаги ишлар қўлами жорий йилда янада кўпаяди.

**Халқ банки матбуот хизмати материаллари асосида Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади.**

Реклама ўрнида

# «Дунёга нега келдинг, Инсон!?!»

Бу Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг саволи эди

## ҚАДР — ҚУЁШ, ХОТИРА — ЗАМИН

...1991 йилда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат напшиётида босилган «Табассум боғи» китобимга Муҳаммад Юсуф муҳаррирлик қилган, ўшанда боғланган қадрдолик рингларини узмасдик. У Бухорога тез-тез келиб турарди. Баъзан ўзи яхши кўрган шоирлар, баъзида бир гуруҳ санъаткорлар билан ташриф буюрар ва албатта, адабий учрашуларда қатнашар, янги шеърларини ўқиб берарди. У бир гал кўнғироқ қилди:

— Ака, Гайбулла Саломов домлани биласиз-а?  
— Албатта билман, домлани адабиёт аҳли жула яхши кўрари, — дедим.  
— Унда, эшитинг, иккаламиз Бухорога боряпмиз, — деди Муҳаммад, — Эрталаб Когонда поезддан туламан. Кутиб олсанми?  
— Кутиб оламан эмас, кафтимла кўтариб бутун Бухорони зиёрат қилираман!  
Сахарда уларни кутиб олдим. Лаби Ховузга етиб келдик. Бир пайла чой ичдик, Ховуз атрофида сайр қилдик.  
— Энди, шоир укам, — деди домла мента қараб, — вақтингиз бўлса, Қоракўлла — Тилак Жўраникига бораск. Билсангиз, анчадан бери хаста...  
Шу тариқа йўлга отландик. Кетаётиб, Муҳаммаднинг йўл ёқасидаги обилага ишора қилди:  
— Ака, бу мадрасами, масжид-

ми?  
— Эшитган бўлсангиз, Чорбак мавзеси — ана шу! Пайгамбаримиз авлодлари мангу кўним топган бу манзилда. Ҳаммалари улуг авлиёлар бўлишган...  
— Ис, шунақами, — сўради Муҳаммад, — кўзойнагини кўнғироқ олиб, — ўша ерда кўнға кулук ҳам бор, деб эшитганман...  
— Бор, — дедим. — Унинг ёнида ўн олтинчи асрда барпо этилган қадимий ҳовуз ҳам бор. Уни Бухоронинг ўша пайтаги ҳукмдори барпо эттирган дейишади.  
— Ажойиб, — деди домла доғишманлар каби бошини чайқаб, — қайтишга албатта, бу ерни зиёрат қилами! Қани, шофёр укам, гази босинг, манзилга тезроқ стайлик...  
Қоракўлла, шифохонанинг дарвозаси олдида бизни бош қадам ҳамда бир гуруҳ шу ерлик қалам-кашлар кутиб олипти. Тилак Жўра

ендигина уйғонган, дераза олдида ўтирарди.  
— Жоним болам, Тилагим, юрагим! Нима бўлди сенга?! — деди устоз шоғирдиннинг пешонасидан ўтиб. — Мана, Муҳаммад Юсуфни ҳам олиб келдим...  
— Раҳмат, устоз, — деди Тилак кўзларига қуйилиб келаётган ёшларни артар экан.  
Муҳаммаднинг ҳам шоирни бағрита босди.  
— Тилак ака, Тошкентдан қочиб келсангиз ҳам, мана, топиб келдик. Худога шукур, анча яхши экансиз. Сизни яна Тошкентга олиб кетамиз. Нима дейсиз, қадрдоним, — дея, дадла берди.  
Тилак устози ва яқин дўстини қайта-қайта бағрита босди. Мента миннатдорлик билдириди:  
— Раҳмат сизга, Тошпўлат ака, ташвиш чекиб, уларни олиб келиб-сиз... Энди мен ўлмайман. Ёнингизда устозинг бўлса, қадрдонларинг бўлса, ўлиш мумкинми?!  
Шундан сўнг у ҳолсизланиб, қаравотта ёнбошлади. Муҳаммаднинг ўзига бағишлаб ёзган шеърини айрим сатрларни ёлға олди. Кўз ёшларини тиблмай, деворта қараб олди. Домла эса шоғирдиннинг бошини сылади...  
Шу пайт хонага ҳамшира кириб келди.  
— Илтимос, — деди у меҳмонлардан уэр сўраган кўйи, — шоир акаимиз чарчаб қолди. Муолажа вақти ҳам бўлиб қолди. Кейинроқ келарсизлар...

«Ўзингдан қўямасин, халқим!», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Халқ бўл, элим!» каби ўлмас сатрлари халқимиз қалбидан жой олди! Ҳа, Муҳаммад Юсуф доимо тирик! У бетакрор шеърларида, кўшиқларида яшайверди!



Тилакнинг «Соғ бўлинглар», дегандек қўлини силкипти. Ташқарига йўналдик. Муҳаммаднинг йиғлаб юборди: «Бечора Тилак Жўра-я! Наҳотки, шундай олам, шундай шоир ўлиб кетаверса...»  
Машинага чиқдик. Сайёт қил-логига бориб, Тилак Жўранинг онаси — Ануур момони кўрдик. Ундан кўнғил сўраб, дуосини олдик.  
Тупдан сўнг Гайбулла Саломов домла иши кўнғили учун самолётда Тошкентга йўл олди, Муҳаммад-жон эса Бухорода қолди.  
Иккинчи кун зиёратни давом эттирдик. Муҳаммаднинг Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Хожо Муҳаммад Бобо Самосий, Хожо Баҳауддин Нақибанд каби буюкларнинг мақбарасига олиб бордим. Тиловатлар қилдик. Улардаги кўнға кулуклардан, зийол чапмалардан сув ичдик...  
Дарҳақиқат, Бухоро — буюк Ҳик-ма! Муҳаммад Юсуф айтганидек, «Бухоро йиғлаб кўшиқ айтаётган улуг Ҳофиз. Унинг кўшиқини бар-ча тинглайди, унинг товуши этиб

бормаган ер йўқ...» Ҳа, худди шундай!  
Муҳаммаднинг яна айтади: «Қадим Бухоронинг оҳулари қайта кетиб қолди? Дарёлар қуриди. Тоғлар чўкади. Китоблар ёнади. Дунёда фақат саволларгина абдади. Саволлар кийиксўқмоққа элтувчи йўдир. Кўксингла саволинг бўл-маса, дунёга нега келдинг, Инсон?!»  
...Яхши кишилар, элим деб, юртим деб яшаган зотлар асло ўлмайдилар! Муҳаммад Юсуф ана шундай инсон эди! Халқ учун, Ватан учун ёниб ёзарди, Истиқдолни завқ-шавққа тўлиб мадҳ этарди. Унинг «Ўзингдан қўямасин, халқим!», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Халқ бўл, элим!» каби ўлмас сатрлари халқимиз қалбидан жой олди! Ҳа, Муҳаммад Юсуф доимо тирик! У бетакрор шеърларида, кўшиқларида яшайверди!

Тошпўлат АХМАД,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган маданият ходими.

## Оғир атлетика Кучлилар аниқланди

Чирчиқда оғир атлетика бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида навбатдаги Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган икки юз нафарга яқин энг кучли спортчи голиблик учун майдонга чиқди.

Мусобақа низомига кўра, голиб ва совриндорларнинг терма жамоа таркибига жалб этилиши хар бир вазн тоифасида беллашуларнинг мurosаси ва кескин ўтишини таъминлади. Бу йил оғир атлетикачиларимизни халқаро миқёсда бир қатор нуфузли мусобақалар кутиб турибди. Ўзбекистон чемпионати ана шу йирик турнирлар олдида спортчиларимиз учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади. Беллашулар якунида эркаклар ўртасида ўз вазн тоифасида Достон Ёқубов (69 кг, Тошкент вилояти), Владислав Ермаков (77 кг, Тошкент вилояти),



Азиз Жўраев (85 кг, Тошкент вилояти), Шоодилбек Эргашев (94 кг, Андижон), Сардор Дўстмуродов (105 кг, Бухоро), Иван Ефремов (+105 кг, Тошкент вилояти) шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилиди.

Аёллар ўртасида баҳслар ҳам қизиқарли кечди. Жумладан, мусобақада ўз вазн тоифасида Лола Қодирова (48 кг, Навоий), Марина Сисоева (53 кг, Фарғона), Фарангиз Шомуродова (58 кг, Самарқанд), Юлдуз Сўфидинова (63 кг, Бухоро), Манзура Мамасолиева (69 кг, Андижон), Бибиойша Бўриева (75 кг, Қашқадарё), Арофат Мирза-йўлдошева (+75 кг, Андижон)лар голиб чиқди.

Эркин ХОЛБОБОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ОБ-ҲАВО 03-04 — 04. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+3 / +8    +15 / +20
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+3 / +8    +17 / +22
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+3 / +8    +17 / +22
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+3 / +8    +18 / +23
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+3 / +8    +15 / +20
Тошкент шаҳри	+4 / +6    +20 / +22

## Дунё бўйлаб (°C)

Лондон	+21 / +20
Париж	+21 / +21
Москва	+5 / +2
Мадрид	+15 / +17

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Зангиота туман партия кенгаши раиси

Хайрулла МАЛИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия ихор қилади.

Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши жамиятининг Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари  
Мамажон АХМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихор этади.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 6, 8, 13 ва 15 май кунлари

ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади

Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қўйидаги ҳўжалик жамиятлари устас фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

№	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шохруҳ кўчаси, 53-уй.	Халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар куриш, қайта куриш ва ундан фойдаланиш, меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш, маблағларни меҳмонхоналар, савдо ва сайёҳлик, курилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш, вакиллик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан, қимматли қозғалар бозоридан), маслаҳат хизматларини ташкил қилиш; қонун билан таққиланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш	32 048 589 000,0	17 384 642,80
2	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Абу Райхон Беруний кўчаси, 2-уй.	Пахта целлюлозаси ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда қадоклаш	22 984 062 000,0	12 467 622,46
3	«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй.	Макарон ва макарон маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш	59 154 993 600,0	29 003 232,79
4	«ASAKA MAK» МЧЖ	Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй.	ПВХ ва полиэтилендан фитинглар тайёрлаш, пластмассадан буюмлар ишлаб чиқариш, полимерлардан қадоклаш буюмлари ишлаб чиқариш, иккиламчи хомашёларни йиғиш ва қайта ишлаш	4 461 829 000,0	2 301 572,78
5	«SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖ	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй.	Металл бўлмаган центрифуга турба GFKлар ишлаб чиқариш, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқари худудларда сотиш орқали даромад кўриш, бошқа фаолиятни амалга ошириш	3 168 645 000,0	1 553 561,97
6	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Заводская кўчаси, 1-уй.	Саноат ва халқ истеъмоли курилиш хомашёларини курилиш-пардоз буюмларини (мармар ва гранит плиталар, декоратив мармар мебели) ишлаб чиқариш	5 820 000 000,0	2 853 500,69
7	«ASIA SOKATO» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй.	Минерал сув ва газланган ичимликлар ишлаб чиқариш	1 472 800 000,0	722 102,37
8	«ASIA PIPEPLAST» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй.	Кенг турдаги музқаймоқ(эскимо) маҳсулотлари ишлаб чиқариш	49 136 500 000,0	26 653 919,18
9	«VODIY MUZQAYMOG'I» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй.		1 076 709 000,0	527 902,04

Оммавий оферта шартлари:  
Оммавий оферта голиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.  
Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта

молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.  
Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмилий-банк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.  
Объектлар фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш шарти билан сотилади.  
Ҳужжатларни расмийлаштиришда за-

рур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тақдиклаш, объектни баҳолаш ва сугурта-лаш билан боғлиқ харажатлар), оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағларни ҳисобидан амалга оширилади.  
Оммавий оферта савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тақдиклайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;  
— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**Tahrir hay'ati:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona — 233-65-45**  
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**  
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460  
19546  
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 20.35  
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5